
“КОРОНАВИРУС” ИНФЕКЦИЯСИ ҚАНДАЙ КАСАЛЛИК?

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан ҳозирги кунда Хитойда аҳоли ўртасида “Коронавирус” туркумига кирувчи вирус юқиши натижасида келиб чиққан зотилжам (пневмония) касаллиги пайдо бўлгани ва тарқалаётгани эълон қилинмоқда.

Ушбу касаллик билан биринчи марта 2019 йил декабрь ойида Хитойнинг Ухан шаҳрига ташриф буюрган Канагава шаҳрининг 30 ёшли фуқароси касаллангани тўғрисида оммавий ахборот воситаларида хабар берилган эди. 2020 йил 24 январь ҳолатига келиб, беморлар сони 839 тага етган ва шундан 25таси ўлим билан якун топган. Шу сабабли Ухан шаҳрида карантин ҳолати жорий этилган. Касалликнинг Таиланд, Япония, Жанубий Корея, АҚШ, Гонконг, Тайван, Макао, Филлипин, Австралия давлатларида ҳам рўйхатга олинаётганлиги айтилмоқда.

Республикамиз ҳудудида ҳозирги кунда ушбу хасталик билан касалланганлар кузатилмади, лекин хорижий давлатлар билан иқтисодий-сиёсий алоқаларнинг ривожланиши, туризм, спорт ва бошқа сабаблар билан хориж давлатларида бўлиши ёки чет эллик фуқароларнинг бизнинг давлатимизга келиши туфайли, касаллик чақирувчи вируснинг республикамиз ҳудудига кириб келиш хавфи мавжуд. Ушбу муаммони ҳал этиш учун хорижий давлатларга хизмат сафарига ёки саёҳат қилиш мақсадида борувчи фуқароларимизни ушбу касаллик тўғрисида ва ундан сақланиш йўллари бўйича тушунчасини ошириш зарур.

Янги Коронавирус келтириб чиқарган касаллик Хитойда денгиз маҳсулотлари билан савдо қилувчи бозорларда тарқалаётгани тахмин қилинмоқда.

Коронавируслар – вируслар оиласига мансуб “Атипик зотилжам” (SARS) касаллигини чақирувчисига ўхшаб кетувчи вирус бўлиб, беморларда оддий шамоллашдан то ўткир оғир респиратор синдром (ТОРС) деб номланувчи оғир кечувчи касалликни келтириб чиқаради. “Атипик зотилжам” касаллиги ҳам 2002 йилда Хитойда келиб чиққан бўлиб, 37 давлатга тарқалган ва 8 мингдан ортиқ киши касалланган эди.

Янги коронавируснинг хусусиятлари ҳозирги кунда дунёнинг кўплаб лабораторияларида ўрганилмоқда. Олимларнинг изланишлари натижасида касаллик қўзғатувчиси топилган бўлиб, ушбу вирусга “2019-nCoV” номи берилди.

Ушбу вирус ташқи муҳит таъсирига ва зарарсизлантирувчи воситаларга нисбатан чидамли. Ҳозирча ушбу касалликни даволаш учун махсус дори воситалари йўқлиги сабабли, бошқа вирусларга қарши қўлланиладиган воситалардан фойдаланилмоқда. Касаллик хасталанган одамлардан ҳаво-томчи ҳамда маиший мулоқот йўли билан юқади. Беморга ёрдам кўрсатишда ҳимоя воситаларидан фойдаланмаслик оқибатида шифохона шароитида тиббиёт ходимларига ҳам касалликнинг юқиш ҳолатлари кузатилмоқда.

Беморларда умумий ҳолсизлик, тумов, йўтал, бош оғриши, томоқда оғриқ, тана ҳароратининг ортиши, бронхит, зотилжам кузатилмоқда. Мутахассисларнинг хулосасига кўра, коронавирус келтириб чиқарган касалликнинг грипп касаллигидан фарқи шундаки, ушбу касаллик асоратлар билан ўтиши ва ўлим билан тугаши эҳтимоли юқори, чунки ҳозирги кунда ушбу вирусга қарши одамларда ҳимоя қобилияти (иммунитети) ривожланмаган ва бу ҳолат дунё халқлари ўртасида пандемияга олиб келиши мумкин.

Хориждан қайтаётган барча фуқароларни, шу жумладан республикамизга кириб келаётган чет эл фуқароларини чегарани кесиб ўтиш жойлари ва халқаро аэропортлардаги санитария назорати пунктларида тиббий кўриқдан ўтказиш, 7 кун давомида доимий яшаш жойларида тиббий кузатувга олиш, бошланғич клиник белгилар пайдо бўлган ҳолда эса, зудлик билан даволаш муассасаларида даволаш учун ётқизиш чоралари кўрилган.

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан касалликнинг тарқалишини олдини олиш мақсадида аҳолига қўлни совунли сув билан ювгандан сўнг спирт билан ишлов беришни, йўталганда ва аксирганда оғиз ва бурунни рўмолча билан ёпишни, шамоллаш белгилари бўлган беморлар билан яқин мулоқотда бўлмаслик, йўтал, иситма, нафас олиш қийинлашганда тезлик билан шифокорга мурожаат этиш лозимлиги тавсия этилмоқда.

сақловчи воситалари ёрдамида ёки қайнатиш билан зарарсизлантирилади. Организмнинг инфекцияга қарши курашувчанлигини ошириш мақсадида витамин ва оқсилларга бой бўлган маҳсулотларни, пиёз, саримсоқ, цитрус мевалар, наъматак меваларидан тайёрланган дамламалар истеъмол қилиш лозим. Касаллик юқмаслиги учун, жамоат жойларида докадан тикилган ниқоб ёки бир марталик респираторларни тақиш тавсия этилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, нафақат коронавирус, балки барча юқумли касалликларнинг олдини олишнинг энг самарали усули, бу шахсий ва жамоат гигиенаси қоидаларига қатъий амал қилиш, аҳоли ўртасида, шу жумладан ҳарбийларимиз ўртасида санитария тарғибот ишларини ташкил этишдан иборатдир.

Юқумли касалликларнинг олдини олиш, нафақат тиббиёт ходимларининг вазифаси, балки ўзини, оила-аъзоларини, Ватанимизнинг эртанги келажаги бўлмиш фарзандларимизнинг соғлиғи учун қайғурган барча фуқароларимизнинг шарафли бурчидир.

Қувасой шаҳар ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2020-02-03 17:11:17